

МАВЗУ :

**ПОРТЛАШ ҲАҚИДА ТУШУНЧА,
ПОРТЛАШНИҢ ЗАРАР ЕТКАЗУВЧИ
ОМИЛЛАРИ.
КИМЁВИЙ ВА ФИЗИК ПОРТЛАШЛАР.**

РЕЖА:

- Портлаш ва унинг физик моҳияти, зарар етказувчи омиллари.
- Кимёвий ва физик портлашлар.
- Технологик жараёнларда портлаш ҳосил бўлиши шароитлари.
- Портлашнинг чанг ва газ муҳитида қўзғалиши.
- Иссиқлик ва механик импульс таъсирида конденсив тизимларда портлаш.

“ПОРТЛАШ” ТУШУНЧАСИ

- “Портлаш” – ёнувчи модданинг чегараланган фазо жуда катта босим ва энергия ҳосил қилиб жуда қисқа вақт давомида ёниш жараёни.
- “Портлашга хавфли объект” – портлаш хусусиятига эга бўлган моддалар ишлаб чиқариладиган, ишлатиладиган, сакланадиган ёки ташиладиган объектлардир.

Портлашнинг заар етказувчи омиллари

Зарба тўлқини

Учувчи парчалар
майдони

Бирламчи

Портлашнинг заар етказувчи омиллари

Иккиламчи


Бўзилган бино ва
иншоотлар парча-
лари ва қисмлари

Бино ва иншоотлар
бузилишига олиб кела-
диган сув тошқинлари


Ёнғинлар

Муҳит ва атмосфера
заарланиши

Ёнғин ва портлашга хавфли объектлар турлари



Ёнғин ва портлашга хавфли объектлар турлари



АҚШнинг Техас штати Вест шаҳридаги ўғит заводида портлаш



18.04.2013

04:50 мск

США, ШТАТ ТЕХАС, ГОРОД ВЕСТ

В конце рабочего дня на заводе начался пожар, за ним последовал взрыв, звук которого был слышен на расстоянии более 70 км. Взрыв вызвал землетрясение магнитудой 2.1.

БОЛЕЕ

170

ЧЕЛОВЕК
РАНЕНЫ

ЧИСЛО
ПОГИБШИХ
УТОЧНЯЕТСЯ

60

ДОМОВ
РАЗРУШЕНЫ

На заводе повреждён резервуар с аммиаком. Проводится эвакуация жителей города.

Портлашлар натижасида юзага келадиган фавқулодда вазиятлар

- Фавқулодда вазиятлар (ФВ) зарар етказувчи омилларининг инсонга, унинг мол-мулкига ва табиий атроф муҳитга (ТАМ) салбий таъсирини аниқлаш учун у ёки бу **физик-кимёвий, биологик, физикавий-иссиқлик** ва бошқа параметрларнинг фазовий-вақтий тарқалишини билиш зарур:
 - баристик таъсир** вақтида – зарба тўлқини фронтидаги ортиқча босим ва сиқилиш фазаси импульсини;
 - термик таъсир** вақтида – иссиқлик нурланиш оқимининг майдон зичлигини;
 - **захарли таъсир** вақтида – заҳарли модданинг концентрация майдонини ва бошқа.

- Техноген авария ривожланишининг сценарийси деганда алоҳида ҳодисаларнинг (оқиш, чиқиб кетиш, буғланиш, тарқалиш, буғнинг туриб қолиши, аллангаланиш, портлаш, одамларга ва ён атрофдаги ускуналарга таъсир қилиш ва ҳ.к) логик ўзаро боғланган кетма-кетлигини тушиниш керак.
- Шу кетма-кетликларга боғлиқ равишда **физик параметрлар майдони, заарловчи омил тури ва микдори, одамларнинг ва уларнинг мол-мулкининг, ҳамда ТАМнинг заарланиш даражаси** аниқланади.
- Одамларга, биноларга, иншоотларга ва бошқаларга салбий таъсир қилувчи **зарба тўлқини** ядервий қурол, атом реактори, технологик ускуна, резервуар, портловчи модданинг газбуғҳаволи булути ва ҳ.к. портлагандаги юзага келиши мумкин.
- Уларнинг портлаши натижасида юзага келадиган ҳолатларнинг ўзаро **умумий** (ўхашаш) ва фарқ қилувчи хусусиятлари мавжуд.

Портлашларнинг умумий (ўхаш) хусусиятлари

- ГОСТ Р 22.0.05-94 портлашга қуйидагича таъриф беради, унга мувофиқ, **портлаш** – модда айланишининг тез кечувчи физик ва кимёвий жараёни бўлиб, чегараланган ҳажмда катта миқдорда энергия ҳосил бўлиши натижасида атроф – мухитда (фазода) зарба тўлқини ҳосил бўлиши ва тарқалиши билан кечади, ва у техноган ФВ келтириб чиқарадиган ёки келтириб чиқариши мумкин бўлган хусусиятларга эга бўлади.
- Зарба тўлқинининг ўтиши (тарқалиши) билан белгиланган маълум бир нуқтада **босим** ўзгаришлари юзага келади.
- Кўтарилган ортиқча босимнинг

$$\Delta P_{\phi} = P - P_0 > 0$$

- τ^+ даври сиқилиш фазаси деб, τ^- босимнинг пасайиш даври сийраклашиш фазаси деб аталади.

- Зарба тўлқинининг тарқалиб бориши билан унинг жадаллиги сўниб боради, тўлқин фронтининг ҳаракатланиш тезлиги камаяди, ва портлаш эпицентридан маълум бир масофада зарба тўлқини товуш тўлқинига айланади.
- Хопкинс-Кранц Қонунига асосан бир хил шаклдаги, лекин турли ўлчамдаги (массадаги) иккита портловчи модданинг бир хил атмосфера параметларидағи портлаш тўлқинлари бир хил келтирилган масофада сезилади

$$R^* = R \left(\frac{P_0}{m} \right)^{\frac{1}{3}}, \quad (1)$$

бу ерда: R - портлаш тўлқинлари мебори манзурлабланган масофа, м;

- P_0 - бедгиланган нуқтадаги бошланғич босим, кПа;
- m - портловчи модда массаси, кг.

- Юқоридағи (1) формула турли портлашларни эталон модда сифатида Қабул Қилинганды тротил (тринитротолуол) портлаши билан солишлириб бағолаш имкониятини беради.
- Портловчи модданинг тротил эквиваленти деганда массаси , кг, бўлг m_{TNT} шундай тротил заряди тушиниладики, у портлагандаги , кг, массал m берилган заряд портлагандагига тенг миқдорда энергия ажралиб чиқади, яъни

$$m_{TNT} = m \frac{Q_v}{Q_{v,TNT}} \quad (2)$$

бу ерда: Q_v берилган модданинг портлаш энергияси, кЖ/кг;


$Q_{v,TNT}$ - тротилнинг портлаш энергияси, кЖ/кг;

- “Тротил эквиваленти” түшүнчесидан фойдаланиб (1) ифодадан Күйидагини топамиз:

$$R^* = R \cdot m_{THT}^{-\frac{1}{3}}, \quad (3)$$

- Сиқилиш фазаси ($0 < \tau < \tau^+$) учун солиширма импульс миңдорини I^+ , кПа·с, Күйидаги формула билан топиш мүмкин:

$$I^+ = \int_0^\tau \Delta P_\phi(t) dt - 0,4m_{\text{экв}}^{\frac{2}{3}} \cdot R^{-\frac{1}{2}}, \quad (4)$$



Зарба түлкини фронтидаги босимнинг вақтга боғлиқ ҳолда
ўзгариши

- Сийраклашиш фазаси импульси кам аҳамиятга эга бўлиб, унинг қиймати манфий ишорага эга.
- Кўпчилик конденсирланган портловчи моддаларнинг (**ПМ**) портлаши **детонация режимида** кечади, бунда, заряднинг берилган шакли ва зичлигида, портлаш тўлқини ўзгармас тезлик билан тарқалади.
- Детонация тезлиги қиймати **1,5...8 км/с** оралиғида бўлади ва бунда портлаш босими **20...38 ГПа** етади. Тезликнинг кичик қиймати баъзибир саноат ПМлари учун, катта қиймати эса типик кучли ПМлар учун.
- Буғ-газ ва дисперс муҳитларнинг **зичлиги кичик** ва уларнинг ёниш жараёни ўзига хос хусусиятларга эга бўлганлиги сабабли, улар портлаши натижасида ҳосил бўладиган **портлаш тўлқинлари** **кичикроқ параметрлар** билан характерланади.

- Аланганинг тарқалиш тезлиги товуш тезлигидан ошмаганды дефлаграциян, яъни портлашсимон ёниш ҳосил бўлади, бунда ёниш маҳсулотлари $1500..3000\text{ }^{\circ}\text{C}$ температурагача қизийди ва босими $20..100$ кПа етадиган зарба тўлқинлари ҳосил бўлади. Зарба тўлқинига портлаш энаргиясининг 40 % ўтади.
- Маълум бир шароитларда дефлаграциян ёниш детонацияли жараёнга ўтиши мумкин, бунда аланганинг тарқалиш тезлиги $1..1,5$ км/с боради.
- Детонацияланувчи булут чегарасида ортиқча босим 2 МПа етиши мумкин.

- Сиқилган газли идиш портлаганда ҳосил бўладиган зарба тўлқини фронтидаги ортиқча босим ўзгариши, юқори босим ва температураларда, худди конденсирланган ПМ портлаганда ҳосил бўладиган тўлқиндаги ортиқча босим ўзгаришларига ўхшаш бўлади.
- Лекин, шуни ҳисобга олиш керакки, сиқилган газли идишлар портлаганда портлашнинг фақат 40...60 % энергиясигина зарба тўлқини ҳосил қилишга сарфланади, қолгани идишни бузишга ва парчаларни учришга сарфланади.
- Алоҳида эътиборни ўта қиздирилган суюқликлар сақланувчи идишларга қаратиш лозим, чунки уларда авариявий герметиклик бузилиши содир бўлса портлаш юз беради.

- Авариявий герметиклик бузилиши натижасида идишда босим камаяди ва суюқликнинг жадал буғланиши содир бўлади, натижада аторф муҳитда буғли аралашма ҳосил бўлиб портлайди ва зарба тўлқини ҳосил бўлади. Бундай портлашларни **BLEVE** (*Boiling Liquid Expanding Vapour Explosion*) туридаги портлашлар деб айтилади.
- Турли турдаги портлашлар натижасида ҳосил бўладиган зарба тўлқинларининг тарқалишида жуда кўп **умумий ўхшашликлар мавжуд** эканлигига қарамасдан, эътибор қилиш лозим бўладиган фарқлар ҳам бор. Демак, Портлаш билан содир бўладиган аварияларнинг турли сценарийларини алоҳида қараб чиқиш лозим.
- Бунда, портлашнинг баристик таъсирини аниқловчи асосий параметрлар, зарба тўлқини фронтидаги ортиқча босим ва сиқилиш фазаси импульси қийматлариидир.

Конденсирланган ПМ портлаши

- Конденсирланган ПМ портлашида эркин тарқалайтган шарсимон ҳаво зарба түлкүни фронтидаги ортиқча босим, кПа, П.М. Садовский формуласидан аниКланади:

,

(5)

$$\Delta P_{\phi} = \frac{95}{R^*} + \frac{390}{(R^*)^2} + \frac{1300}{(R^*)^3}$$

- (5) формула оралиғида түғри хисобланади.

$$1 \leq R^* \leq 100$$

- Сиқилиш фазаси импульси миқдорини, Па·с, қуйидаги формуладан анықлаш мүмкін:

$$I^+ = \frac{54 \cdot m_{THT}^{\frac{2}{3}}}{R} \quad (6)$$

- Бузилмайдыган түсіндіргендегі контактлы портлаш қуввати ярим шарсимон қайттан түлкін юзага келиши сабабли иккі марта ошади. Шу сабабли ер юзасидегі портлашлар учун (3) формуладын тротил эквивалентининг миқдори миқдорға күпайтирилади.
- Бу ерда коэффициент портлаш энергиясининг грунтда чукур ҳосил қилишга сарғылышиниң $\eta < 1$ қисебінан қарастырылады. Ыртация грунтлар учун $\eta = 0,6 \dots 0,65$, зичлиги катта лой ванда суглиниклар учун $\eta = 0,8$.

1.3. Ёнмайдиган сиқилган газлар мавжуд технологик тизимларниг портлаши

■ Шарсимон газгольдер ва баллон шаклидаги босим остидаги идишлар портлаганды күчли зарба түлкінлари юзага келиши мумкин, жуда күп майда бўлакчалар ҳосил бўлиб жиддий бузилишлар ва жароҳатланишлар келтириб чиқариши мумкин.

■ Портлашнинг умумий энергияси, $k\Delta\text{J}$, қўйидагича аниқланиши мумкин

$$E = \left(\frac{P_1 - P_2}{k_{\Gamma} - 1} \right) V_1 \quad (7)$$

■ Бу ерда: P_1 - идишдаги газнинг бошланғич босими, кПа;

■ k_{Γ} - газнинг адиабата кўрсаткичи,();

■ V_1 - идишнинг Ҳажми.

Назорат саволлари

- Портлаш нима?
- Портлашнинг зарар етказувчи омилларига нималар киради?
- Кимёвий портлаш нима?
- Физик портлаш нима?
- Технологик жараёнларда портлаш тизимининг ҳосил бўлиш шароитларига нималар киради?
- Портлашнинг чанг ва газ мұхитида қўзғалиши учун қанақа шароитлар бўлиши керак?
- Конденсив тизимларда портлаш қандай юзага келиши мумкин?
- Иссиқлик ва механик импульс конденсив тизимларда портлаш юзага келишида қанақа рол ўйнайди?